



ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ЎРТАСИДАГИ КЎП ҚИРРАЛИ МУНОСАБАТЛАР СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг таклифига биноан 8-9 июль кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



9 июль куни Минск шаҳридаги Мустақиллик саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни тантанали кутиб олиш маросими ўтказилди. Сарой олдидаги майдонда икки давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди.

Давлатимиз раҳбарини Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко самимий кутиб олди. Давлат мадҳиялари ангради. Етакчилар фахрий қоровул сафни олди-дан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко тор доирада ҳамда расмий делегациялар аъзолари иштирокида музокара ўтказдилар. Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари

сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлади.

Ушбу ташрифга тайёргарлик доирасида Хукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари, сиёсий маслаҳатлашувлар, тақлилий доиралар учрашувлари, Ўзбекистон маданияти кунлари ҳамда бошқа тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

Ўзаро савдо ҳажми барқарор суръатда ўсиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Сўнгги беш йилда бу кўрсаткич қарийб 3 баробар ошиб, ўтган йил якунига кўра салкам 1 миллиард долларга етди. Жорий йилнинг ортда қолган даврида унинг ҳажми яна 30 фоизга ошди. 360 та қўшма корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Етакчилар куни кеча ўзаро савдо ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ ҳаракатлар келишиб олингани ҳамда қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, фармацевтика, электротехника, енгил саноат, мебелсозлик ва саноатнинг бошқа тармоқларида янги кооперация лойиҳаларидан иборат чора-тадбирлар режаси қабул қилинганини олқишладилар.

Ўзбекистон тинч атомдан фойдаланиш ва шу соҳада инфратузилмани барпо этиш борасидаги тажрибани алмашишдан манфатдор экани билдирилди.

Фаол маданий-гуманитар алмашинуви изчил давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилиш давомида қўшма Хукуматлараро комиссия ҳамраисларининг ҳисobotлари ҳамда музокаралар кун тартиби юзасидан аниқ таклифлари ҳам тингланди.

Яқунда Президент Шавкат Мирзиёев ҳаммаси Александр Лукашенкога расмий ташриф билан Ўзбекистонга келишни таклиф этди.

Бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, давлат раҳбарлари ҳузурида қатор икки томонлама ҳужжатлар алмашилди. Жумладан:

— 2026-2030 йилларда савдо-иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси;

— Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Беларусь Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган маслаҳатлашувлар дастури;

— 2005 йил 19 январдаги “Фуқароларнинг ўзаро қатновлари тўғрисида”ги битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида баённома;

— Беларусь Республикаси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкилий асосда қабул қилиш ва жалб этиш тўғрисида битим;

— Ўрмон хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— 2026-2028 йилларга мўлжалланган маданият соҳасидаги ҳамкорлик дастури;

— Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Беларусь Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўртасида 2027-2028 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик бўйича чора-тадбирлар режаси;

— Ўзаро сайёҳлар оқими кўпайтириш ва туризм соҳасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича 2026-2027 йилларга мўлжалланган қўшма ҳаракатлар режаси;

— 2026-2028 йилларда агросаноат мажмуидаги ҳамкорлиқни янада чуқурлаштириш бўйича “йўл харитаси”;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги ҳамда Беларуснинг “Беллепро” давлат концерни ўртасида енгил саноат соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Беларусь Республикаси Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги ўртасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми;

— Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Беларусь Республикаси Молия вазирлиги ўртасида молиявий масалалар бўйича ўзаро англашув меморандуми;

— Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Беларусь стратегик тадқиқотлар институти ўртасида Ўзбекистон — Беларусь экспертлар кенгаши таъсис этиш тўғрисида меморандум;

— Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Беларусь Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлиги ўртасида агросаноат соҳасида инвестициявий ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича ахдлашув меморандуми;

— Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Беларусь Миллий фанлар академияси ўртасида илмий-техник ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми.

Шунингдек, ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва Беларусь Республикаси Фундаментал тадқиқотлар жамғармаси ўртасида ҳам меморандум имзоланди.

► Давоми 2-бетда

Янги Ўзбекистон руҳи

ТУРКИЙ ЭЛЛАРНИНГ БИРДАМЛИК БАЙРОҒИ

Башариёт тарихида шундай буюк зотлар ўтганки, уларнинг номи асрлар оша халқлар ва мамлакатларни эзгулик, дўстлик ҳамда маърифат ғоялари атрофида бирлаштириб келади. Миллий маънавиятимиз кўеши, назм мулки соҳибқирони Мир Алишер Навоий ана шундай мумтоз сиймолардан биридир. Улуғ мутафаккирнинг қарийб олти асрлик вақт синовидан ўтган мероси бугун ҳам инсониятга маънавий озуқа бериб, комиллик сари йўл кўрсатмоқда.



Янги Ўзбекистон шароитида ҳазрат Навоийга эҳтиром давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, том маънода халқаро миқёс касб этди. Президентимиз ташаббуси билан Туркий давлатлар ташкилоти доирасида таъсис этилган “Туркий дунё бирлигига қўшган ҳиссаси учун” Алишер Навоий номидаги халқаро мукофоти бунинг энг ёрқин далилидир.

► Давоми 5-бетда

Кун мавзуси



ОЧИҚ МУЛОҚОТГА ТАЙЁРГАРЛИК

КЎПЛАБ МУРОЖААТЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛЯПТИ

Мамлакатимиз ҳаётидаги яна бир муҳим воқелик — давлатимиз раҳбарининг юртимиз тадбиркорлари билан ўтказилиши кутилаётган навбатдаги очик мулоқотига тайёргарлик қизгин паллага кирди. Олтинчи бор ташкил этилаётган учрашувга ҳозирлик ҳар йилгидан кўра фаол, қолаверса, мутлақо янги даражада. Барча соҳа ва тармоқ тадбиркорлари билан учрашувлар, бизнес вакилларида тўшаётган мурожаатлар, тақлиф ва ташаббуслар сони аввалги йиллардагига нисбатан анча юқори.



Чунки юртимизда йил давомида тадбиркорлар билан ишлаш, доимий мулоқотда бўлиш, муаммоларга ечим бериш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланган, бу борада аниқ тизим ишляпти. Очик мулоқотга тайёргарлик эса ана шу жараённинг асосий

қисми. Унда кўтариладиган аксарият масалаларнинг ечими бир неча тадбиркорнинг эмас, балки бутун соҳа ва тармоқлар ривожига хизмат қиладиган тегишли фармон ва қарорларда акс этади.

► Давоми 4-бетда

ТАШҚИ СИЁСАТ МАЙДОНИНИ ФАОЛ КЕНГАЙТИРАЁТГАН МАМЛАКАТ

Хорижий экспертлар олий даражадаги Ўзбекистон – Беларусь саммити ҳақида



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 8-9 июль кунлари Беларусга расмий ташрифи ўзаро муносабатлар ривожига муҳим босқич бўлиб, мамлакатларимиз

ўртасидаги сиёсий мулоқот ва амалий ҳамкорлиқни кенгайтиришга янги суръат бағишлади.

► Давоми 2-бетда

БУНЁДКОРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАКОНИГА АЙЛАНГАН ЯНГИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсати 2017 йилдан бошлаб сифат жиҳатидан янги, очик ва ташаббускор босқичга кўтарилди. Бунда Марказий Осиёга алоҳида эътибор қаратилиб, Президентимиз минтақани “ечилмаган низолар майдони”дан ишонч, ҳамкорлик ва биргаликда тараққий этиш маконига айлантиришни Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиледи.

Бу сиёсатнинг ўзаги — куч ишлатиш ёки бир томонлама ҳаракатлар эмас, балки музокара, превентив дипломатия, ўзаро манфаатдорлик ва халқаро ҳуқуқ устуворлигига таянган тинчликпарварлик концепциясидир.

Тарихан жуда қисқа давр ичида Ўзбекистон нафақат қўшни давлатлар билан ўнлаб

йиллар давом этган чегара ва сув муаммоларини музокара билан йўли билан ҳал этди, балки БМТ, ЮНЕСКО, ШҲТ, ТДТ, МДҲ каби нуфузли минбарларда умумиминтақавий ва глобал аҳамиятга молик ўнлаб ташаббусларни илгари сурди.

► Давоми 3-бетда



ЮРТИМИЗ ИСЛОМ ДУНЁСИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КЕЛАЖАГИНИ БИРЛАШТИРМОҚДА

Жаҳон уламолари ташаббусларимизни
янги цивилизациян жараён дея баҳолади

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ЎРТАСИДАГИ КЎП ҚИРРАЛИ МУНОСАБАТЛАР СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко музокаралар якунлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Давлатимиз раҳбари Александр Лукашенкога самимий қабул ва илқ меҳмондўстлик учун чин дилдан миннатдорлик билдириб, Беларусь халқини яқинда нишонланган Мустақиллик куни билан табриклади.

Ушбу расмий таширф Ўзбекистон — Беларусь муносабатлари ривожидида тарихий воқеа экани мамнуният билан қайд этилди.

Жумладан, Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги декларациянинг имзоланиши саммитнинг асосий натижаларидан бири бўлди.

Ўзбекистон етакчиси таъкидлаганидек, мазкур ҳужжат давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашда янги саҳифа очиб, томонларнинг кўп қиррали шерикликни узок муддатли ривожлантириш борасидаги қатъий интилишини тасдиқлайди.

Музокараларга катта тайёргарлик қўрилгани уларнинг муваффақиятли ўтишида муҳим омил бўлгани қайд этилди.

Таширф арафасида Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари, сиёсий маслаҳатлашувлар, учинчи Худудлараро форуми, Ўзбекистон маданияти кунлари ҳамда таҳлилий доиралар учрашуви бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш ҳамда парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидладилар.

Саммит олдидан товар айирбошлаш ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ чоратadbирларни ҳамда устувор соҳалардаги янги лойиҳавий ташаббусларни қамраб олган комплекс режа қабул қилинди.

Бунда қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, фармацевтика, электротехника, микроэлектроника, тўқимачилик, мебелсозлик ва бошқа тармоқларда кооперацияни ривожлантириш назарда тутилган. Ўзбекистонда биринчи атом электр станцияси ва турдош инфратузилмани қуришда Беларусь тажрибасини қўллаш юзасидан келишувга эришилди.

Учинчи Ўзбекистон — Беларусь Худудлараро форумининг якунлари юқори баҳоланди. Форум ишида Ўзбекистоннинг 230 нафарга яқин тадбиркорлари иштирок этди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, МДХ, ШХТ ва Қўшилмаслик ҳаракати каби минтақавий ҳамда халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга интилиш қатъий экани таъкидланди.

Маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда туризм соҳаларидаги фаол алмашинувлар давом эттирилади.

Давлатимиз раҳбари Минск шаҳрида Ўзбекистон — Беларусь дўстлиги хиёбонини барпо этиш ташаббуси учун миннатдорлик билдирди.

Жорий йилда навбатдаги тиббиёт, таълим ва туризм форумларини ташкил этишга аҳдлашиб олинди.

Яқунда бутунги тарихий таширф натижалари стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга ҳамда икки мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва фаровонлигига ҳар томонлама хизмат қилиши таъкидланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Беларусга расмий таширифи якунланди. Пойтахт аэропортида олий мартабали меҳмонни Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко кузатиб қўйди.

ЎЗА

ЕТАКЧИ ОАВЛАР ИККИ ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ КЕНГ ЁРИТМОҚДА

Беларусь оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Беларусга расмий таширифини кенг ёритиб, икки томонлама стратегик шериклик жадал ривожланаётгани, иқтисодий ҳамкорлик кенгайтгани ва икки мамлакат ўртасидаги гуманитар алоқалар мустаҳкамланаётганини таъкидламоқда.

Уларда Беларусь ва Ўзбекистон худудларининг 6-8 июль кунлари Минск шаҳрида бўлиб ўтган III форумига алоҳида эътибор қаратилган. “СБ. Беларусь сегодня”, “Минск-Новости” каби етакчи нашрлар ва МДХ Ижроия қўмитаси портали ушбу тадбир эришилган келишувлардан аниқ қўшма лойиҳаларни амалга оширишга ўтиш учун муҳим майдон бўлганини ёзди. Нашрларда муҳоамаларнинг асосий йўналишлари саноат кооперацияси, агросаноат мажмуаси, савдо, логистика, тиббиёт, туризм ва гуманитар ҳамкорлик бўлгани алоҳида қайд этилган.

“БЕЛТА” телеграф агентлиги, МДХ Ижроия қўмитаси интернет портали ва бошқа ахборот ресурслари ҳам икки мамлакат саноат кооперацияси ривожланишини ёритмоқда. Нашрларда Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқлардаги қўшма лойиҳаларнинг ўрнига уруғ берилган. Бунга мисол сифатида Минск трактор заводи билан ҳамкорликда Нурафшон шаҳрида қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, кабель маҳсулотлари ва бошқа саноат йўналишларидаги лойиҳалар келтирилган.

Нашрлар агросаноат соҳасидаги ўзаро ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратди. “БЕЛТА” агентлиги Беларусь ва Ўзбекистоннинг 2030 йилгача озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги хомашёси бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказишга қаратилган қўшма ишлар режаси тасдиқланганини маълум қилган.

Маҳаллий ОАВ худудлараро алоқалар ривожини ҳам тилга олди. “СБ. Беларусь сегодня” ва “БЕЛТА” нашрлари Фарғона, Навоий, Хоразм ва Жиззах вилоятлари делегацияларининг Беларусь худудларига таширфлари ҳақида хабар берди. Икки мамлакат вакиллари қишлоқ хўжалиги, саноат, қайта ишлаш, техника ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини етказиб бериш, қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилди.

“БЕЛТА” агентлиги ва мамлакатнинг энг ёши улуг наشري бўлган “Звезда” газетаси Беларусь ва Ўзбекистоннинг замонавий шериклиги савдо муносабатлари доирасидан чиқиб, янги авлод технологик ҳамкорлиги тусини олаётганини билдирган. Нашрлар икки халқ дўстлигининг тарихий асослари, жумладан, Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги

ўзаро ёрдамга ва 1966 йилги зилзиладан сўнг Тошкентни тиклашда беларуслик мутахасссларнинг иштирокига эътибор қаратган.

ОАВларда туризм соҳасидаги ҳамкорлик мавзуси муҳим ўрин эгаллади. “БЕЛТА” агентлиги, “Однако, жизнь!” журнали ва бошқа оммабоп интернет ресурслар Ўзбекистонга келаётган беларуслик сайёҳлар сони ортиб бораётганини хабар қилди.

Маълумотларга кўра, 2025 йилда мамлакатимизга Беларуснинг 32 мингдан ортиқ фуқароси таширф буюрган бўлса, 2026 йилнинг январь-май ойларида бу кўрсаткич 14 минг кишидан ошган. Нашрлар Ўзбекистоннинг туризм тақлифлари кенгайтгани, маданий-маърифий, гастрономик, экологик ва бошқа йўналишлар ривожланаётгани, шунингдек, икки мамлакат сайёҳлик компаниялари ўртасидаги алоқалар фаоллашаётганини қайд этди.

Журналистлар икки томонлама муносабатларнинг гуманитар жиҳатларини ҳам ёритмоқда. “Беларусь 24” телеканали ва “Минск-Новости” агентлиги Минскда Ўзбекистон маданияти кунлари ҳамда Ўзбек киноси кунлари ўтказилаётгани ҳақида хабар берди. Тадбирлар доирасида Беларусь жамоатчилиги Ўзбекистон санъати, кинематографияси, халқ ҳунарамандлиги ва маданий анъаналари билан танишмоқда.

Беларуснинг етакчи босма ва электрон нашрлари саммит якунларини сарҳисоб қилар экан, икки мамлакат етакчиларининг ўзаро ҳурмат, ишонч ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тавон-ийларига асосланган стратегик шериклики янада мустаҳкамлаш борасидаги қатъий интилишлари ҳақида тўхталиб ўтди. Олий даражада эришилган Ўзбекистон — Беларусь келишувлари, имзоланган ҳужжатлар ва белгиланган амалий чора-тадбирлар савдо-иқтисодий, инвестициявий, саноат, илмий-техник, маданий-гуманитар ва худудлараро соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга қўшимча туртки беришга қаратилгани қайд этилган.

“Дунё” АА
Минск

ТАШҚИ СИЁСАТ МАЙДОНИНИ
ФАОЛ КЕНГАЙТИРАЁТГАН МАМЛАКАТ
ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН – БЕЛАРУСЬ САММИТИ ҲАҚИДА

Бошланиши 1-бетда

Минскка расмий таширф доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Президенти Александр Лукашенко иштирокида тадбирлар бўлиб ўтди.

Музокаралар диққат марказида Ўзбекистон — Беларусь кўп қиррали шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, сиёсий мулоқотни кенгайтириш ва мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўлди. Саммит давомида сўнгги йилларда икки томонлама алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани қайд этилди. Иқтисодий ришталарни, жумладан, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат

саноати тармоқларидаги лойиҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Худудлараро ва ишбилармонлик ҳамкорлигини жалдлаштириш таширфининг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Саммит арафасида Минскда икки мамлакат худудлари ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида учинчи Худудлараро форум ўтказилди. Форум корхоналар ўртасидаги бевосита алоқаларни мустаҳкамлашга ҳамда қўшма иқтисодий ташаббусларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилди.

Мамлакатлар етакчилари мулоқоти кун тартибидан гуманитар ҳамкорлик ҳам алоҳида ўрин эгаллади. Томонлар маданий алмашинув дастурларини, таълим соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш ва икки мамлакат халқлари

ўртасидаги ришталарни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди. Ўзбекистон Президенти Беларусь томонини Минскда Ўзбекистон — Беларусь дўстлик хиёбонини барпо этиш ташаббуси учун миннатдорлик билдирди. Шунингдек, йил якунига қадар туризм, тиббиёт ва таълим соҳаларида қўшма форумлар ўтказиш бўйича келишувга эришилди.

Таширф якуни бўйича Ўзбекистон ва Беларусь етакчилари Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги декларациянинг имзолади. Шунингдек ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган салмоқли ҳужжатлар тўплами қабул қилинди. Эришилган келишувлар Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаб, узок муддатли шериклик учун янги имкониятлар яратди.



Ян ЧЭН,
Шанхай глобал бошқарув
ва минтақавий тадқиқотлар
академияси директори:

— Ўзбекистон — Беларусь муносабатларини МДХ худудидаги ўзаро ҳамкорликнинг жадал ривожланаётганига ёрқин мисолдир.

Сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасидаги шериклик сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани иқтисодий кўрсат-

кичларда ҳам, олий даражадаги сиёсий мулоқотда ҳам ўз тасдиғини топмоқда. Ўзбекистон Президентининг Беларусга бу галги таширифи Мустақиллик саройидаги расмий музокаралар билан эмас, балки Беларусь етакчиларининг шаҳар ташқарисидидаги қароргоҳида бўлиб ўтган норасмий учрашув билан бошланди. Шахсий худудга тақлиф этиш ишораси дипломатик одоб-ахлоқ қоидаларидан анча юқори туради ва йиллар давомида шаклланган ишонч даражасидан далолат беради.

Биз камдан-кам учрайдиган ҳодисага гувоҳ бўлмоқдамиз: манфаатларнинг мос келиши етакчилар ўртасидаги самимий, дўстона муносабатлар билан мустаҳкамланиб, янада кенгаймоқда. Айнан норасмий учрашувлар, “ўз уйида” қабул қилиш ва энг мураккаб масалаларни муҳокама қилишга тайёрлик орқали намоен бўлган шахсий ишонч нафақат катта лойиҳаларни режалаштириш, балки уларни амалга ошириш имконини ҳам бермоқда.

Икки мамлакат муносабатлари иқтисодиётнинг юқори амалий мослигига

— Ўзбекистон Президентининг Беларусга амалга оширган таширифи МДХ худудидаги муҳим сиёсий воқеалардан бири ҳисобланади. Музокаралар марказида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, саноат кооперацияси, инвестициявий шериклик, транспорт-логистика ва гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалалари туради.



Мурад САДАДДИНОВ,
озарбайжонлик сиёсий
шарҳловчи, халқаро эксперт:

Бутунги кунда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик оддий савдо муносабатларидан анча илгариларга кетган. Гап қўшма корхоналар ташкил этиш, Беларусь



“**ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ЙЎНАЛИШИ ҲАМ БУНДАН КАМ АҲАМИЯТГА ЭГА ЭМАС. ДЕНГИЗГА Тўғридан Тўғри чиқиш имкониятига эга бўлмаган ЎЗБЕКИСТОН АНЪАНАВИЙ РАВИШДА ТРАНСПОРТ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ЯНГИ ЭКСПОРТ ЙЎЛАКЛАРИНИ ЯРАТИШДАН МАНФААТДОР.**”



Владимир УЛАХОВИЧ,
Беларуснинг Венгриядаги элчиси:

Бутунги кунда Беларусь техникаси, фармацевтика ва гўшт-сут маҳсулотларига Ўзбекистонда талаб юқори. Тракторларни биргаликда ишлаб чиқариш муваффақиятли ривожланмоқда, ўзбек мева-сабзавотлари ва тўқимачилик

техникасини Ўзбекистон худудида маҳаллийлаштириш, мутахассслар тайёрлаш ва технологиялар алмашинуви ҳақида бормоқда. Шунинг учун ҳам навбатдаги таширф анъанавий савдо муносабатларидан янада чуқур саноат интеграциясига ўтишининг муҳим босқичига айланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам катта истиқболлар очилмоқда. Ўзбекистон аграр соҳани изчил ривожлантирмоқда, ерга ишлов беришнинг замонавий усуллари жорий этмоқда ва қишлоқ хўжалиги техникалари паркларини янгилamoқда. Беларусь бу соҳада катта тажриба ва ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўлиб, ҳамкорликка ўзаро манфаатли руҳ бағишлайди.

Транспорт-логистика йўналиши ҳам бундан кам аҳамиятга эга эмас. Денгизга тўғридан тўғри чиқиш имкониятига эга бўлмаган Ўзбекистон анъанавий равишда транспорт йўналишларини кенгайтириш ва янги экспорт йўлақларини яратишдан манфаатдор. Шарқий Европанинг муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашган Беларусь ўзбек маҳсулотларини Европа бозорларига етказиб бериш тизимида қўшимча бўғинга айланиши мумкин.

Ўзбекистоннинг демографик салоҳияти ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Мамлакат аҳолиси ўсишда давом этмоқда. Бу ички бозор ҳажмининг кенгайиши, инфратузилма, транспорт, қурилиш ва саноат ускуналарига бўлган эҳтиёжнинг ортишини аналтади.

Сиёсий нуқтаи назардан ҳам мазкур таширф катта аҳамиятга эга. Президент Шавкат Мирзиёев қўшни Марказий Осиё давлатлари билан ҳам, бутун Евроосиё маконидаги шериклар билан ҳам муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган кўп векторли ташқи сиёсатини изчил амалга оширмоқда. Беларусь билан ҳамкорликни ривожлантириш ушбу стратегияга тўла мос келади.

Тошкент учун нафақат иқтисодий ҳамкорлики кенгайтириш, балки миллий манфаатларга асосланган мустақил ва прагматик ташқи сиёсат юритиш қобилиятини намоен этиш ҳам муҳимдир. Шу боис, Минскда таширфни Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг асосий марказларидан бири сифатидаги маконини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли стратегиясининг бир қисми сифатида баҳолаш лозим.

Боку нуқтаи назаридан ҳам бу жараёнлар алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Бутунги кунда Ўзбайжон ва Ўзбекистон қардош давлатлар ҳамда стратегик шериклар бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар давлат раҳбарлари ўртасидаги самимий ва ишончли муносабатлар тўғрисида юксак даражада кўтарилган.

Шунинг учун ҳам Озарбайжонда Тошкентнинг халқаро фаоллиги кенгайиб бораётгани, унинг Евроосиё маконидаги макени мустаҳкамлаётгани катта қизиқиш билан кузатишмоқда. Ўзбекистон олиб бораётган сиёсат ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Минскдаги музокаралар якунлари бўйича янги инвестициявий, технологик ва ишлаб чиқариш соҳаларига оид келишувлар имзоланиши кутилмоқда. Бу Ўзбекистон учун индустриаллашувни жадаллаштириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва замонавий технологияларни жалб қилиш бўйича қўшимча имкониятлар яратди.

маҳсулотлари эса Беларусь бозорида ўз ўрнини эгаллаган.

Менга Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг Тошкентга ва Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёевнинг Минскка таширфларида иштирок этиш шарафи насиб этган. Учрашувлар қалин дўстлик ва ўзаро ҳурмат муҳитида ўтган, конструктив, стратегик ва келажакка йўналтирилган мулоқот ҳамда музокаралар ташкил этилган.

Айтишимиз мумкин, Беларусда Президент Шавкат Мирзиёевга Ўзбекистоннинг атоқли сиёсий етакчиси ва буюк ватанпарвари сифатида чуқур эҳтиром билан муносабатда бўлишди.

Фикримча, бу таширф — кўп йиллик ўзаро ҳурмат, ишонч ва биргаликда ривожланиш истаги билан билгилардан дўст давлатлар ва қардош халқларнинг, замонамизнинг икки йиллик сиёсий раҳбарининг чинакам тарихий учрашувидир.

“Дунё” АА



Шохруҳ ХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Қонунчилик
ва ҳуқуқий сиёсат институти бош
илмий ходими, юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори

Бошланиши 1-бетда

Бугун Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида, умуман, барча соҳа ва тармоқларда қўлга киритилаётган катта, таъбир жоиз бўлса, тарихий натижаларга асос бўлган бу каби ислохотлар бошланганига ўн йил бўлмоқда. Ҳозир нафақат мамлакатимиз, балки минтақанинг барқарор тараққиётига сезиларли ижобий таъсир кўрсатган ушбу тарихий янгиланиш жараёнлари қандай кечганига олти асосий йўналиш кесимида яна бир қўр назар солишнинг айна пайти назаримда.

I. Сиёсий барқарорлик

Ўзбекистоннинг тинчликпарварлик ҳаракати, энг аввало, минтақавий сиёсий муҳитни тубдан ўзгартиришдан бошланди. Ишонч дипломатияси орқали Марказий Осиёда барқарор институционал мулоқот механизми йўлга қўйилди, чегара муаммолари тинч йўл билан ҳал қилинди ва минтақа халқлари майдонда субъектлик куч сифатида тан олинди.

Ўн йилдан зиёд узилишдан сўнг минтақа етакчилари ўртасида мунтазам, ташқи воситачилик сиёсий мулоқотни тиклаган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари формати минтақанинг янги архитектурасини шакллантирган асосий платформага айланди.

Ташаббуснинг моҳияти ва манбаига тўхталадиган бўлса, минтақа давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш гоёсини Ўзбекистон Президенти илк бор 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурганди. Биринчи учрашув 2018 йил март ойида Қозғистонда бўлиб ўтди ва ўшанда ушбу учрашувни ҳар



йили навбатма-навбат ўтказилишига келишди.

Гап Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ҳақида борар экан, муҳим бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим — институционаллов. 2019 йилги иккинчи саммитда учрашувлар регламенти, 2023 йилда эса Ўзбекистон ташаббуси билан Миллий координаторлар кенгаши таъсис этилди. 2025 йил ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган еттинчи учрашувда Президентимиз Шавкат Мирзиёев формати Котибият ва Оқсқоллар кенгашига эга бўлган “Марказий Осиё ҳамжамияти” стратегик платформасига айлантиришни тақлиф этди.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, ушбу форматдаги доимий мулоқот туфайли “бир қатор эски зиддиятларни бартараф этиш ва ишонсизликдан амалий ҳамкорликка ўтиш”га эришилди. Сўнгги йилларда минтақа давлатларининг жами ялпи маҳсулоти 40 фоизга, ўзаро савдо ҳамжи бир неча баробарга ошди, Марказий Осиё “низолар майдони” эмас, балки ҳамкорлик ва бунёдкорлик маконига айланди.

Минтақанинг тинчлик ва барқарорлик курси биринчи марта универсал халқаро ҳуқуқий ҳужжатда мустаҳкамланди.

2017 йил 10-11 ноябрда Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган “Марказий Осиё: ягона ўтмиш ва умумий келажак” халқаро конференцияси якунлари БМТ Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” махсус резолюциясида акс этди. Ҳужжат 2018 йил 22 июнда бир овоздан қабул қилинди. Резолюция минтақа давлатларининг биргаликдаги саяё-ҳаракатларига халқаро ҳамжамият томонидан расмий кўмак берилишини таъминлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон геосиёсий рақобатдан холи, цивилизациялараро мулоқотга асосланган глобал бирдамлик платформасини тақлиф этди.

Президентимиз 2022 йил 16 сентябрда Самарқандда ўтказилган ШХТ саммитида “Умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида Самарқанд бирдамлик ташаббуси”ни эълон қилди. Ташаббус 2001 йилда БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган Цивилизациялар мулоқоти тўғрисидаги декларациянинг амалий ифодаси сифатида тақдим этилди.

ШХТнинг барча аъзо давлатлари ташаббуси бир овоздан қўллаб-қувватлади ва у Самарқанд декларациясининг якуний қисмида алоҳида мустаҳкамланди. Уша вақтдаги ШХТ Бош котиби Владимир Норов ташаббусни “саммитнинг асосий воқеалари-дан бири” деб баҳолади. Кейинчалик БМТ кўмағида ташаббусни доимий платформага айлантириш ва Самарқандда халқаро форум ўтказиш режалаштирилди.

Маъмур даврда ўнлаб йиллар давом этган чегара зиддиятлари сиёсий ирода ва музокара йўли билан ҳал қилинди. Бу — минтақа барқарорлигининг ҳуқуқий пойдеворидир.

Жумладан, Ўзбекистон — Қирғизистон чегарани делимитация қилиш жараёнини якунлаб, 2023 йил 27 январда Бишкекда ратификация ёрлиқлари алмашилди ҳамда стратегик шериклик декларацияси имзоланди.

Ўзбекистон — Тожикистон бўйича эса 2024 йил 18 апрелда Душанбеда Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланди.

2025 йил 31 мартда Хўжандда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари чегараларнинг туташ нуқтаси тўғрисидаги шартнома ҳамда “Мангу дўстлик тўғрисида”ги Хўжанд декларациясини имзоллади. Туташ нуқтада “Дўстлик” стеласи очилди. Давлатимиз раҳбари бу воқеани минтақа барқарорлигини мустаҳкамлайдиган тарихий қадам деб баҳолади. Ушбу битимлар Фарғона водийсидаги ўн йиллик зиддиятларга нуқта қўйди.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ ва глобал бошқарув институтларини замон талабларига мослаштириш зарурлигини глобал минбардан илгари сурди.

2025 йил 23 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида Президентимиз замонавий таҳдид ва хатарларга қарши самарали курашиш ҳамда ривожланиётган давлатлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида БМТ Хавфсизлик Кенгаши таркибини ислоҳ қилиш ва кенгайтиришни тақлиф этди. Шунингдек, минтақа давлатларининг ҳамкорлигини қўллаб-қувватловчи резолюция қабул қилишни илгари сурди.

II. Иқтисодий тараққиёт

Ўзбекистон минтақаларни боғловчи транспорт йўлаклари, савдо ва инвестиция оқимлари орқали барқарор тинчликнинг моддий асосини яратишга қаратилган муҳим ташаббусларни ҳам илгари сурди. Жумладан, икки катта минтақа — Марказий ва Жанубий Осиёни (тахминан 2 миллиард аҳоли)



яқинлаштирувчи янги ўзаро боғлиқлик архитектурасининг ташаббускори бўлди.

Мамлакатимиз етакчиси ташаббуси билан 2021 йил 15-16 июлда Тошкентда “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Имкониятлар ва таҳдидлар” халқаро конференцияси ўтказилди. Унда 44 давлат ва қарийб 30 та халқаро ташкилот делегацияси иштирок этди.

Президентимиз ушбу конференцияда БМТ Бош котиби Антониу Гутерришга форумни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди. Форум якунлари бўйича БМТ Бош Ассамблеяси Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюция лойиҳасини тақдим этиш тақлифи билдирилди.

Ушбу анжуманнинг энг ютуқли томонларидан бири — минтақалараро транспорт-логистика интеграцияси гоёя халқаро ҳуқуқий макомга эга бўлгани. Тошкент конференцияси якунлари сифатида БМТ Бош Ассамблеяси 2022 йил 11 июлда “Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш” махсус резолюциясини қабул қилди. Бу ҳужжат икки минтақа ўртасидаги ҳамкорлиқнинг умумий тамойиллари ва йўналишларини мустаҳкамлади.

Денгизга чиқиш имкониятидан маҳрум Марказий Осиёни Жанубий Осиё ва Покистон портлари билан боғловчи Трансафғон темир йўли минтақавий ўзаро боғлиқлик архитектурасининг калитидир.

“Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўли лойиҳасига доир “Йўл ҳаритаси” 2021 йил 2 февралда Тошкентда Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон ўртасида имзоланди. 2023 йил июлда Исломободда якуний маршрут келишилди, 2023 йил майида лойиҳа офиси таъсис этилди.

2025 йил 17 июлда Кобулда уч давлат вакиллари лойиҳанинг техник-иқтисодий асосномасини ишлаб чиқиш бўйича дастлабки битимни имзолади. Тахминий қиймати 4,6-7 миллиард долларни ташкил этадиган йўлак 2027 йилгача якунланишни кутилмоқда, у йилга 20 миллион тоннагача юк ўтказиш салоҳиятига эга. Лойиҳа юк ташиш мuddати ва харажатларини сезиларли қисқартириб, минтақанинг тарихий “кўприк” ролини тиклайди.

Ўзбекистон энергетик ўтишини минтақавий ҳамкорлик ва глобал кун тартибининг ажралмас қисми сифатида илгари сурмоқда.

2025 йилда Президентимиз БМТ шафелигида минтақавий “яшил” технологиялар хабини яратишни тақлиф этди. Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши умумий электр ишлаб чиқаришда 30 фоизга етди, 35 миллиард доллар инвестиция ҳисобига 2030 йилгача бу кўрсаткични 54 фоизга етказиш режалаштирилган.

III. Хавфсизлик, жиноятчиликка қарши кураш

Ўзбекистоннинг тинчликпарварлик сиёсатида Афғонистон масаласи марказий ўрин тутди. Тошкент бу мамлакатни “таҳдид манбаи” эмас, балки “имкониятлар макони”га айлантириш ёндашувини илгари суриб, минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

Афғонистондаги тинчлик жараёнини жонлантирган дипломатик бурилиш нуқтаси айнан Тошкентда яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан 2018 йил 26-27 мартда Тошкентда “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ва минтақавий ўзаро ҳамжиҳатлик” мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Якунда

Тошкент декларацияси қабул қилиниб, у тинч йўл билан тартибга солишнинг асосий тамойилларини мустаҳкамлади.

Конференциядан сўнг Вашингтон, Москва ва Пекин позициялари яқинлашди, айнан шу форумдан кейин АҚШ билан “Толибон” ўртасида тўғридан тўғри музокаралар бошланиб, 2020 йил 29 февралда Доҳда битим имзоланди. Тошкент декларацияси Афғонистон учун ўзига хос “Тинчлик дастури” вазифасини бажарди.

Ўзбекистон Афғонистонни изоляция қилишга қарши чиқиб, унинг тинч иқтисодий жараёнларга жалб этилишини ёқламоқда. Айни мақсадда Термизда Афғонистонга йўналтирилган логистика ва гуманитар хаб ташкил этилди. 2025 йилда Президентимиз БМТ минбаридан Афғонистонни “изоляция



қилмаслик” зарурлигини таъкидлаб, унинг ҳудуди орқали халқаро транспорт ва энергетика йўлаklarини ривожлантириш тўғрисида резолюция қабул қилишни тақлиф этди.

IV. Илмий-техникавий шериклик

Мамлакатимиз етакчиси рақамли тенгсизликни бартараф этиш ва янги технологияларга тенг кириш ҳуқуқини таъминлашни глобал тинчлик ва ривожланиш масаласи сифатида кўтариб чиқмоқда. Хусусан, 2025 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида Президентимиз соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларида сунъий интеллект ечимлари ва моделлари билан бегараз алмашуш бўйича Халқаро ҳамкорлик механизминини яратишни тақлиф этди. Ушбу ташаббус давлатлар ўртасидаги рақамли ривожланиш тафовутини камайтиришга йўналтирилган.

Ташаббус БМТда сунъий интеллектни бошқариш бўйича Глобал мулоқот расман ишга туширилган даврга — 80-сессиянинг марказий мавзуларидан бирига тўғри келди, бу унинг долзарблиги ва ўз вақтидалигини кўрсатади.

Ўзбекистон инсон капитали ва замонавий кўникмаларини ривожлантиришни ҳам глобал кун тартибига тизимли олиб чиқмоқда.

БМТ сессиясида Президентимиз бу борада Ўзбекистон ва бутун миқтосга учун Касб-ҳунар таълими бўйича Жаҳон саммитини ўтказишни тақлиф этди.

Минтақавий ҳамкорликни илмий-таҳлилий жиҳатдан таъминловчи доимий экспертлик платформаси яратилди. 2020 йилда Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Марказий Осиё халқаро институти минтақавий шериклик масалаларини

ўрганиш, қўшма илмий-тадқиқот дастурларини амалга ошириш ва нуфузли хорижий экспертларни жалб этиш марказига айланди. Институт расман 2021 йилги Тошкент конференцияси арафасида очилди.

V. Ижтимоий-маданий ва гуманитар соҳа

Бу йўналишда Ўзбекистоннинг тинчликпарварлиги бағрикенглик, маърифат, ёшлар ҳуқуқлари ва цивилизациялараро мулоқот тамойиллари орқали халқаро ҳуқуқий мазмун касб этди.

Ўзбекистон ташаббуси билан таълим, бағрикенглик ва эътиқод эркинлигини мустаҳкамловчи махсус резолюция рекорд даражадаги қисқа мuddатда ва бир овоздан қабул қилинди.

Ташаббус БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида (2017) илгари сурилганди. 2018 йил 12 декабрда Бош Ассамблея “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясини барча аъзо давлатлар томонидан бир овоздан, 50 дан зиёд давлат ҳаммуаллифлигида қабул қилди. Унинг асосий мақсади — “таълимга умумий кириш имконини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатни тугатиш”.

Ҳужжат ижроси доирасида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилди, 2020 йил декабрида АҚШ Давлат департаменти Ўзбекистонни диний эркинликлар бўйича “махсус кузатув рўйхати”дан чиқарди.

Марказий Осиёда цивилизациялараро мулоқот ва маданий-гуманитар ҳамкорликнинг доимий платформаси яратилгани ҳам ушбу йўналишдаги муҳим натижалардан бири бўлди.

2021 йил 14-16 сентябрда Хивада “Марказий Осиё — жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” халқаро форуми ўтказилди. Унинг якуни сифатида ЮНЕСКО кўмағида “Хива жараёни” платформаси шакллантирилди, тағйини резолюция 2021 йил ноябрда ЮНЕСКО Бош конференцияси сессиясида бир овоздан қабул қилинди.

Ёшлар ҳуқуқларини глобал кун тартибига олиб чиқиб, ушбу соҳада янги халқаро ҳуқуқий нормаларни шакллантиришни тақлиф этган ҳам алоҳида воқеали ҳисобланади.

Бинобарин, 2020 йил августда БМТ шафелигида Самарқандда ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро форум ўтказилиб, “Ёшлар 2020: глобал бирдамлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари” Самарқанд резолюцияси қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон

Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция лойиҳасини ишлаб чиқишни тақлиф этди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашида Ўзбекистон ташаббуси билан 2021 йил октябрида COVID-19 пандемиясининг ёшлар инсон ҳуқуқларига таъсири тўғрисидаги резолюция қабул қилинди.

Гуманитар ҳамкорлик иқтисодий ва институционал ўлчовлар билан бойитилди. БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси билан 2019 йил декабрда “Марказий Осиёда барқарор туризм ва изчил ривожланиш”, 2022 йил декабрда эса “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлар роли тўғрисида”ги резолюцияларни қабул қилди.

VI. Экология ва агроф-муҳит муҳофазаси

Орол фожияси экологик дипломатиямининг марказида туради. Ўзбекистон маъмур муаммони бир томонлама эмас, балки халқаро ҳамкорлик ва инновациялар орқали ҳал этиш мафурасини илгари сурди. Натияжада Оролбўйи минтақаси тарихда биринчи бўлиб БМТ Бош Ассамблеяси томонидан махсус экологик мақомга эга бўлди.

Гоё илк бор 2018 йил 24 августда Оролни кутқариш халқаро жағмармаси саммитида, кейин 2019 йил 25 октябрда Нукусдаги халқаро конференцияда илгари сурилди. 2021 йил 18 майда БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция бир овоздан қабул қилинди, ҳаммуаллифлар сони қарийб 60 давлатни ташкил этди.

Айни даврда минтақага халқаро ёрдамни бирлаштирувчи доимий молиявий-ривожланиш механизми яратилди.

2018 йил 27 ноябрда БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама траст жағмармаси таъсис этилди. У саломатлик, иқтисодий ривожланиш, агроф-муҳит муҳофазаси ва ижтимоий ҳимоя масалаларида мувофиқлаштирилган ёндашувни таъминламоқда.

Ўзбекистон иқлим ҳавфларига қарши минтақавий бирдамлик механизмини шакллантирмоқда.

БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида (2023) Президентимиз “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари олдида: умумий фаровонлик йўлида бирдамлик” резолюциясини қабул қилишни тақлиф этди ва “Марказий Осиё иқлим диалоги”ни таъсис этишини илгари сурди. Кейинчалик Самарқандда халқаро иқлим форуми ўтказилди.

Бундан ташқари, 2024 йил февралда Самарқандда яна бир халқаро анжуман — БМТнинг Еввойи табиатнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаш конвенцияси Томонларининг 14-конференцияси (CMS COP-14) бўлиб ўтди. Унда 2024-2032 йилларга мўлжалланган Самарқанд стратегик режаси қабул қилинди. Тошкентда Марказий Осиёда биринчи Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (IUCN) офиси очилди.

Хулоса

Юқорида келтирилган таҳлил Ўзбекистоннинг тинчликпарварлик сиёсати тасодифий ёки декларатив характерга эга эмаслигини, балки яхлит, изчил ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган стратегияга асосланганини кўрсатади. Мамлакатимиз қисқа даврда минтақавий ҳамкорлик муҳитини тубдан ўзгартирди, чегара зиддиятлари тинч йўл билан ҳал этилди, давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари каби доимий мулоқот механизмлари йўлга қўйилди.

Ўзбекистон ташаббусларининг ўзига хослиги шундаки, улар қондага кўра, БМТ, ЮНЕСКО ва ШХТ каби нуфузли халқаро тузилмаларнинг расмий ҳуқуқий ҳужжатлари — резолюция, декларация ва конвенцияларга айлантирилди. Маърифат ва диний бағрикенглик, Оролбўйини экологик инновациялар ҳудуди деб эълон қилиш, Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлиги, Хива жараёни сингари ҳужжатлар бунинг ёрқин мисолидир. Бу ташаббуслар жаҳон миқёсида экспертлар ва жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди.

Сиёсий мулоқотдан тортиб, транспорт йўлаклари, сунъий интеллект, маданий мерос ва экологик дипломатиягача — барча йўналишларда Ўзбекистон ягона мантқиққа таянади: барқарор тинчлик фақат ўзаро ишонч, ҳамкорлик ва халқаро ҳуқуқ устуворлиги орқали қурилади. Натияжада Марказий Осиё бутунги нотинч дунёда ишонч ва ҳамкорлиқнинг ноёб минтақавий моделига, Ўзбекистон эса унинг ишончли ташаббускори ва меъморига айланиб бормоқда.



Олимжон ДАВЛАТОВ,
Алишер Навоий номидаги
халқаро жамоат фонди ижрочи
директори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг мазкур ташаббуси 2021 йилда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар томонидан бир овоздан маъқулланиб, амалий ифодасини топди. Низомига кўра, мукофот ҳар икки йилда бир марта туркий маданиятни тарғиб этиш, минтақада тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ҳамда туркий халқлар ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга улкан ҳисса қўшган шахсларга топирилади.

Бир қарашда бу навбатдаги халқаро мукофотлардан бири, холос. Аслида, ушбу воқеа замирида теран маъно мужассам. Ўзбек мутафаккири номи билан аталган мукофотнинг бутун туркий дунёнинг муштарак олий эътирофига айланиши, аввало, ташаббуснинг халқаро ҳамжамият томонидан самимий қабул қилинганидан далолат. Мукофот, ўз навбатида, юртимиз юритаётган очик, дўстона ва ташаббускор ташқи сиёсатнинг амалий самараси ўлароқ намён бўлади. Зеро, туркий халқлар, қолаверса, бутун дунё ҳамжамияти фақат иқтисодий ёки сиёсий манфаатлар афоридагина эмас, балки муштарак маънавий қадриятлар теварағида ҳам жипслашади. Навоий сиймоси ана шундай бирлаштирувчи қудратга эга қадрият эканини бутун жаҳон аҳли эътироф этмоқда.

Халқаро мукофот яқка тартибдаги тадбир эмас, балки илчил тизимнинг узвий бўлигидир. 2021 йил февралда Президентимиз қарори билан Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди ташкил этилди. Фонд зиммасига улуг шoir ҳаёти, юксак инсонпарварлик гоёлари ва илмий-адабий меросини юртимизда ҳамда халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб этиш, асарларини хорижий тилларга таржима қилиш, мукаммал илмий нашрларини яратиш, ҳар йили 9 февраль санасида, яъни мутафаккир бобомизнинг таваллуду кун халқаро симпозиум, йил давомида республика ва хорижда “навоийхонлик кунлари”ни ўтказиш каби масъулиятли вазифалар юклатилди.

Янги Ўзбекистон руҳи

Туркий халқлар тарихида кўплаб фотиҳ саркардалар, мутафаккир алломалар, даҳо ижодкорлар яшаб ўтган. Туркий халқларнинг Нобель мукофоти, дея эътироф этилаётган бу мукофот нега айнан Алишер Навоий номида деган савол туғилиши табиий. Ушбу саволга жавоб ул зотнинг беқиёс хизматларида мужассам. Бундан беш ярим аср муқаддам ҳазрат Навоий “Муҳокамат ул-лугатайн” асарида туркий тилининг чексиз имкониятларини илмий далиллар билан исботлаб, она тилимиз шайинини бутун дунёга улғулади. Ўлмас “Хамса”си ва “Ҳазойин ул-маоний” куллиёти билан туркий тилда ҳам жаҳон адабиётининг

лари бугун Москва, Вашингтон, Токио, Боку, Сеул, Душанбе ва Тбилиси каби дунёнинг йирик шаҳарларида қад ростлаб турибди. Буларнинг барчаси Навоий фақат ўзбек халқининггина эмас, жамики туркий халқлар, қолаверса, бутун инсониятнинг маънавий мулки эканини яққол кўрсатади.

Улуг мутафаккирнинг:
Олам аҳли, билингизким,

иш эмас душманлиг,
Ёр ўлуг бир-бирингизга, эрур ёрлие иш,
деган ҳикматли даъвати эса бутунги нотинч дунёда ҳар қачонгидан ҳам долзарб янграмоқда. Ҳазрат Навоий номи туркий халқлар маънавий бирлиги тимсоли, юксак байроғи-



“

Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотнинг таъсис этилиши бир неча жиҳатдан стратегик аҳамият касб этади. Энг аввало, мукофот мамлакатимиз маданий дипломатиясининг самарали воситасига айланди. У Ўзбекистоннинг дунё навоийшунослиги маркази, туркий цивилизациянинг маънавий ўчоқларидан бири сифатидаги халқаро мавқеини янада мустаҳкамлайди.

энг юксак чўққиларини забт этиш мумкинлигини амалда кўрсатди. Ижодида 26 мингдан ортиқ сўз қўллаган бу даҳо сўз санъаткори туркий адабий тилининг қудрати ва латофатини оламга намён қилди.

Шунинг учун Навоий мероси Болқондан Олтойгача, Онадўлидан Ҳиндистонгача бўлган улкан маконда яшовчи халқлар учун муштарак маънавий хазинадир. Фузулий ва Махтумқули, Абай ва Тўқай, Бердақ ва Ажнийез сингари ўнлаб буюк шoirлар Навоий мактабидан сабоқ олиб, унинг ғазалларига назрлар битган. Улуг бобомизнинг ҳайкал-

дир. Ана шу байроқ остида қардош халқларни жипслаштириш гоёси халқаро мукофотнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Мукофотнинг илк соҳиби Туркий давлатлар ташкилотининг 2022 йил ноябрда Самарқандда бўлиб ўтган саммитида эълон қилинди. У туркий дунё қирлиғига қўшган улкан ҳиссаси учун буюк адиб ва жамоат арбоби, улуг гуманист Чингиз Айтматовга вафотидан сўнг берилди ва тантанали равишда Қирғизистон Президенти Садир Жапаровга топширилди.



Айтматов ижоди — туркий халқлар бадиий тафаккурининг жаҳон адабиётидаги энг ёрқин тимсоли. Унинг асарлари дунёнинг юздан ортиқ тилига ўтирилиб, миллионлаб китобхонлар қалбидан жой олган. Адиб ўз қаҳрамонлари орқали туркий халқларнинг руҳияти, дарду армонлари ва орзу-умидларини умумбашарий адабиёт мулкига айлантирди.

Ташкилотнинг 2025 йил 21 майда Будапештда ўтказилган норасмий саммитида эса мукофотнинг навбатдаги соҳиби жаҳонга машхур биокимёгар олим, кимё соҳасида Нобель мукофоти лауреати, Ўзбекистон Миллий университети фахрий доктори Азиз Санжар бўлди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, нуфузли мукофотнинг илмий жамоатчилик вакилига топширилиши туркий дунё олимларини, айниқса, ёш тадқиқотчиларни янги марраларни забт этишга руҳлантиради.

Чингиз Айтматов сўз санъатида, Азиз Санжар аниқ фанлар оламида туркий халқлар салоҳиятини бутун жаҳонга намоиш этган буюк сиймолардир. Демак, Алишер Навоий номидаги мукофот тор миллрий доирадаги тақдирлов эмас, балки туркий халқларнинг жаҳон цивилизациясига қўшаётган муносиб ҳиссасини эътироф этувчи юксак мезонга айланди. Бунда ҳам ўзига хос ҳикмат бор: ахир ҳазрат Навоийнинг ўзи ҳам шoir, ҳам олим, ҳам давлат ва жамоат арбоби сифатида фаолиятинг барча соҳаларида қамолот тимсоли бўлган эди. Унинг номидаги мукофотнинг ҳам адабиёт, ҳам

илм-фан намояндаларига берилаётгани мана шу кўп қиррали даҳога муносиб эҳтиромдир.

Халқаро мукофотнинг таъсис этилиши мамлакатимизда сўнгги йилларда навоийшунослик соҳасида қилинаётган улкан ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Айниқса, Президентимиз ташаббуси ва махсус қарорига мувофиқ, улуг шoir таваллудининг 580 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонлангани, пойтахтимизда Адиблар хиббони барпо этилгани маданий ҳаётимизнинг унутилмас воқеаларига айланди. Ҳар йили 9 февралда ўтказиладиган анъанавий халқаро анжуманлар, жумладан, “Алишер Навоий ва Шарқ Ренессанси” халқаро симпозиуми дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан келган олимларни бир даврга жамламоқда. “Алишер Навоий изидан” халқаро илмий экспедициялари доирасида олимларимиз Эрон, Афғонистон, Туркия, Миср, Хитой, Озарбайжон ва бошқа мамлакатлардаги қўл-ёзма фондларида тадқиқотлар олиб бориб, нуфузли илмий марказлар билан ҳамкорлик меморандумларини имзоламоқда.

Мустақиллик йилларида яратилган энг сарф тадқиқотларни жамлаган 30 жилдиди “Истиклол даври ўзбек навоийшунослиги” тадқиқотлар мажмуаси нашр этилгани соҳа тарихида мисли кўрилмаган ҳодисадир. Шунингдек, тўрт жилдиди “Алишер Навоий энциклопедияси” яратилди, ўнлаб янги монография ва рисола чоп этилди, шoir ижодида

бағишланган кўплаб докторлик ва фалсафа доктори диссертациялари ҳимоя қилинди. Қувонарлиси, хорижий мамлакатларда навоийшунослик мактаблари қайтадан тикланмоқда: чет эллик олимларнинг тадқиқотлари ўзбек тилида, навоийшуносларимизнинг асарлари эса турк, форс, рус ва бошқа тилларда нашр этилмоқда, хорижий университетлар билан қўшма илмий лойиҳалар йўлга қўйилмоқда.

Махсус қарор билан 2025 йилнинг Навоий вилоятида “Алишер Навоий йили” деб эълон қилингани эса бу борадаги ишлар янада кенг қулоқ ёйишига замин яратди. Айни кунларда Алишер Навоий асарларининг 100 жилдиди оммабоп нашрини тайёрлаш бўйича ишлар қизиган давом этмоқда. Ушбу мисли кўрилмаган лойиҳа улуг мутафаккир меросини ҳар бир хонадонга, ҳар бир китобхонага етказиш йўлидаги тарихий қадамдир. Буларнинг барчаси навоийшунослик Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлانгани, Ўзбекистон эса том маънода жаҳон навоийшунослигининг маркази мақомини мустаҳкамлаб бораётганини яққол кўрсатади.

Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотнинг таъсис этилиши бир неча жиҳатдан стратегик аҳамият касб этади. Энг аввало, мукофот мамлакатимиз маданий дипломатиясининг самарали воситасига айланди. У Ўзбекистоннинг дунё навоийшунослиги маркази, туркий цивилизациянинг маънавий ўчоқларидан бири сифатидаги халқаро мавқеини янада мустаҳкамлайди.

Иккинчидан, мукофот туркий давлатлар ўртасидаги интеграция жараёнларида мустаҳкам маънавий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик муштарак қадриятлар билан йўғрилгандагина чинакам барқарор бўлади. Навоий сиймоси эса қардош халқларни бирлаштирувчи ана шундай бемисл қадриятдир.

Учинчидан, у ёш авлод тарбиясида беқиёс аҳамиятга эга. Чингиз Айтматов ва Азиз Санжар каби буюк шахсларнинг эътироф этилиши миллионлаб ёшлар учун ибрат мактаби бўлиб, уларни илм-фан ва ижод чўққиларини забт этишга илҳомлантиради.

Тўртинчидан, мукофот Навоий ижодининг мағзини ташкил этувчи тинчлик, дўстлик, бағрикенглик ва инсонпарварлик гоёларини жаҳонга тарғиб этади. Қарам-қаршиликлар кучайиб бораётган бугунги мурраккаб даврда бу гоёларнинг қадр-қиммати чексиздир.

Ишонч билан айтиш мумкинки, вақт ўтган сайин Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотнинг нуфузи тобора ортиб, у жаҳоннинг энг эътиборли мукофотлари қаторидан муносиб ўрин эгаллайди. Зеро, замирида буюк Навоийдек эзу сиймо, тинчлик ва бирликдек эзу гоёлар турган ҳар қандай ташаббус узоқ умр кўради. Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этаётган Ўзбекистон бу борада бутун туркий дунёга, қолаверса, жаҳон ҳамжамиятига маънавий ҳамжиҳатликнинг ёрқин намунасини кўрсатмоқда.

САЛОМАТЛИК — ЭНГ МУҲИМ БОЙЛИК



Тиббиёт

“Инсон қадр учун” тамойили асосидаги кенг қамровли ислохотлар доирасида тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари даражасида ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зотан, инсон саломатлиги, соғлом турмуш тарзи ҳамма нарсадан устун.

Хаётбахш ислохотлар жараёнида вилоятимизда саксондан ортиқ тиббиёт муассасаси реконструкция қилинди, бештаси мукамал таъмирланди. Талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, янгидан 30 дан ортиқ тиббиёт маскани барпо этилди. Ўтган йилнинг ўзида тиббиёт соҳасида хорижий ва маҳаллий инвесторлар иштирокида умумий қиймати 54,7 миллион доллар бўлган 60 дан зиёд истиқболли лойиҳа амалга оширилди. Ҳозирга қадар 58 та замонавий лойиҳа фойдаланишга топширилиши ҳисобига тиббий хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтиди, сифати яхшиланиб, мингдан ортиқ юқори даражадаги иш ўрни яратилди.

Ана шундай истиқболли лойиҳалардан бири Фарғона вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази билан боғлиқ. Бу ерда UNOPS лойиҳаси доирасида уч қаватли лаборатория биноси фойдаланишга топширилди. 2010 йилда қурилган мавжуд бинолар марказ

минтақавий ҳамкорлик марказига айлантириш белгиланган. Шу орқали ОИВ билан касалланиш ҳолатларини 30 фоиз камайтириш мақсад қилинган.

Давлат — хусусий шериклик тамойили асосида вилоятимизда мингта яқин хусусий тиббиёт маскани фаолият кўрсатиб келмоқда. Вилоят марказидан тортиб, энг олис туман ва маҳаллаларгача замонавий инфратузилмага эга даволаш-таъхис клиникалари ишлаб турибди. Бунинг ҳисобига аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва тиббиёт туризми жадал ривожланмоқда. Янги қурилиб, фойдаланишга топширилган тиббиёт масканларидан шу йилнинг ўзида 200 мингта яқин беморга малакали тиббий хизмат кўрсатилди, 20 мингта яқин мурраккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Соҳадаги янгиланиш ва ўзгаришлар натижасида беморларнинг 60 фоиздан ортиги пойтахтимиздаги ихтисослашган марказларга ҳамда 30 фоизи хорижга шифо излаб боришининг олди олинди. Вилоят маркази, шаҳар ва туманлардаги тиббиёт муассасаларида ҳам юқори технологик жарроҳлик амалиётини ўтказиш имконияти яратилди.

Ўтган йилнинг ўзида вилоятимиздаги 22 та тиббиёт муассасасида қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Хусусан, “Тиббиётда зарбдор 90 кунлик” лойиҳаси бўйича Қува туманида қилинган илчил сайё-ҳаракатлар соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқди. Бу ердаги иш тизими, ҳолат ўзгарди, турли сарсонгарчиликлар барҳам топди. Аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, шифокор ва ўрта тиббиёт ҳамширалар малака-маҳоратини ошириш, рағбатлантириш, касалликларни эрта аниқлаш билан боғлиқ зарур шароитлар яратилди. Белгиланган вазифалар ижросини



таъминлаш учун вилоят бюджетидан 10 миллиард сўм ажратилди. Натижада тумандаги 21 та тиббиёт муассасасида тиббий хизмат кўрсатиш сифати тўғрисида яхшиланди. Даволаш-профилактика муассасаларини рақамлаштириш, тиббиёт ҳодимлари малака ва маҳоратини ошириш, рағбатлантириш тартиби жорий этилди.

Бағдод туманидаги Гулистон турар жой мавзесида қарийб 60 миллиард сўм эвазига замонавий шифохона қурилиши пивнига етказилди. У 4 та туман аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Ҳозир Фарғона ва Қува туманларида тизим фаолиятини жаҳон андозалари доирасида такомиллаштириш бўйича амалий

ҳаракатлар давом этмоқда. Шу кунга қадар тиббиёт муассасалари икки мингдан ортиқ ахборот-коммуникация технологияси ҳамда замонавий тиббий асбоб-ускуна билан таъминланди.

Фарғонада минтақадаги энг йирик тиббий кластерлардан бири шаклланимоқда. Бу умумий қиймати қарийб 300 миллион ортиқ бўлган, 800 ўринли замонавий шифохона, тиббиёт университети ва ҳамширалар тайёрлаш мактабини ўз ичига олган “Fergana Plus” тиббий таълим кластери лойиҳаси. Шунингдек, Австриянинг AMEX Healthcare GmbH компанияси билан замонавий кардиология маркази очиш борасида амалий музокаралар ўтказилди. Лойиҳа доирасида қатталар

билан бирга янги туғилган қаҳолоқлардаги юрак касалликларини эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш хизматларини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Кейинги йилларда малакали мутахассислар тайёрлаш, шифокорлар маҳоратини оширишга эътибор ортди. Энди фарғоналик талаба ва шифокорлар АҚШда тўлиқ грант асосида стажировка ўтади. Бунга Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институту АҚШнинг етакчи олий таълим муассасаларидан бири — University of Michigan билан ҳамкорликни йўлга қўйгани сабабдир. Ҳамкорлик доирасида институт профессор-ўқитувчилари, шифокорлар, ёш олимлар ва талабалар университетнинг махсус грант дастурлари орқали АҚШда 2-3 ойлик илмий стажировка ўташ имконига эга бўлади. Стажировка иштирокчиларининг авиачипта, турар жой, яшаш харажатлари, тиббий сугурта ва стипендиялари Michigan университети грант маблағлари ҳисобидан тўлиқ қопланади. Фарғонада халқаро маҳорат дарслари ва клиник тренинглар ташкил этилади. Шунингдек, институтда USMLE тизими элементларини жорий этиш ҳамда тиббиётда сунъий интеллект ва бошқа замонавий йўналишлар бўйича халқаро грант дастурларини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Ўқинда Фарғона вилояти делегацияси билан Малайзияда хизмат сафарига бўлиб, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қатор учрашувлар ўтказилди. Учрашувлардан бири тиббий ускуналар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган Vital Healthcare компанияси раҳбарияти билан бўлиб ўтди. Музокаралар якунида вилоятда гемодиализ ускуналари ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш бўйича келишувга эришилди. Лойиҳани амалга ошириш мақсадида 10 миллион доллар миқдорида ишкорнома имзоланди. Бу ҳамкорлик ҳудудда юқори технологияли тиббий ускуналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажмини ошириш ҳамда нефрологик ёрдам сифатини янада яхшилаш имкониятини беради.



Халқаро эътироф

ЮРТИМИЗ ИСЛОМ ДУНЁСИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КЕЛАЖАГИНИ БИРЛАШТИРМОҚДА

ЖАҲОН УЛАМОЛАРИ ТАШАББУСЛАРИМИЗНИ ЯНГИ ЦИВИЛИЗАЦИОН ЖАРАЁН ДЕЯ БАҲОЛАДИ



Иброҳим НАЖИМ,
Миср Араб Республикаси
Бош муфтийсининг катта маслаҳатчиси,
Жаҳон фатво идоралари кенгашининг
Бош котиби:

Муҳаммад бин Абдулкарим ал-ИССА,
Муслмонлар Жаҳон Лигаси бош котиби:

— Биз яхши биламиз ва бундан мамнун-мизки, Ўзбекистон ҳаритадаги оддий давлат эмас. У ислом цивилизацияси китобида ёзилган энг ёруғ саҳифалардан бири. Самарқанддан Бухорогача, Регистондан Имом Бухорий зиёратгоҳига қадар барча тарихий ёдгорликлар шу ҳақиқатни намоён этадики, бу замин илм-фан ва инсоният маънавий тафаккури учун юқсак зиё масканларини барпо этган буюк умматнинг меросидир.

Хар бир улугъ миллатнинг тамаддун тарихи унинг кенг қамровли сарлавҳаси. Бугун ана шу буюк меросни ёдга олар эканмиз, бизнинг масъулиятимиз фақат ўтмиш билан фойдаланишдан иборат эмас. Балки илм ва амал орқали, юқсак маънавий қадриятларга таянган ҳолда, цивилизация руҳини бугунги ҳаётимизда қайта жонлантиришдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг исломий, илмий ва маданий меросини қайта тиклаш, уни асраб-авайлаш ҳамда бутун дунёга таништириш борасидаги юқсак саъй-ҳаракатларини алоҳида эътироф эта-миз. Бу борада муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг хизматлари беқиёс. Аллоҳ таоло у кишининг саъй-ҳаракатларини муборак қилсин ва улар орқали эл-юртга манфаат ато этсин.



Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ,
Ислом тарихи, санъати ва маданиятини
тадқиқ этиш маркази — IRCICA
бош директори:

— Ушбу юқсак ташаббус Ўзбекистоннинг тарихий жугрофиясида шаклланган буюк цивилизация ютуқларини янада ёритиб, мазкур бой мероснинг асосий ғоя ва қадриятларини келажакка олиб ўтиш учун янги ҳамкорлик йўлларини очмоқда.

Форум бизга бетакрор тарихий ҳудудга яна бир бор ақлий, маънавий ва қалбдан, шу билан бирга, географик жиҳатдан ҳам саёҳат қилиш имконини бермоқда. Мовароуннаҳр, Хуросон

— Ўзбекистонда ташкил этилган мазкур нуфузли форум ислом динининг асл моҳияти — илм, маърифат, бағрикенглик ва эзгулик ғояларини халқаро миқёсда тарғиб қилиш учун муҳим мулоқот майдони эканини яна бир бор намоён этди. Айниқса, Ўзбекистоннинг буюк муҳаддислар ва мутафаккирлар илмий меросини ўрганиш, уни замонавий илмий ёндашувлар асосида тадқиқ этиш ҳамда жаҳон жамоатчилигига етказишга қаратаётган эътибори юқсак таъсирга эга.

Бу саъй-ҳаракатлар диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, радикализм ва мутаассиб-ликка қарши маърифат билан курашишда муҳим аҳамият касб этади. Форум давомида билдирилган фикрлар ва илгари сурилган ташаббуслар келгусида Миср ва Ўзбекистон ўртасидаги диний-маърифий ҳамда илмий ҳамкорлигини янада қучайтиришга хизмат қилишига ишонаман.



Шунингдек, Ўзбекистоннинг ислом олами, айниқса, Ислом олами уюшмаси билан мустаҳкам алоқаларини ҳам юқсак баҳолаймиз. Бу ҳамкорлик Маккаи Мукаддасида жойлашган ташкилот бош қароргоҳи билан мунтазам давом этиб келмоқда.

Биз Тошкент шаҳрида Ислом цивилизацияси марказининг очилишини ҳам ислом оламининг энг йирик илмий ва маданий масканлардан бири сифатида қадрлаймиз. Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасининг очилганини ҳам юқсак баҳолаймиз. Айниқса, ушбу марказда Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуриддиннинг бой илмий меросини тадқиқ этишга қаратилган илмий ишлар алоҳида аҳамиятга эга.

ва Марказий Осиё асрлар давомида инсоният тараққиётига хизмат қилган, илм-фаннинг турли соҳалари такомиллаштирилган ва инсоният тафаккурига улкан ҳисса қўшилган буюк цивилизация марказларидан бири бўлган. Турли маданий мерослар уйғунлашган ушбу заминда ислом динининг илм-маърифатга бўлган даъвати ҳамда давлат раҳбарларининг илм аҳлига қўрсатган қўмағи барча соҳаларда тараққиётга хизмат қилди.


Мазкур ҳудуднинг маданий тарихи муслмон халқлари хотирасида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу мерос мен раҳбарлик қилаётган IRCICA — Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳузуридаги ҳукуматларо илмий-тадқиқот ва маданий муассаса фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз жуда самарали кечмоқда. Зеро, ислом цивилизацияси тарихини ушбу заминда яшаб иқдор қилган буюк алломалар — Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуриддин, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Замашшарий, Хоразмий ва бошқа кўплаб улугъ зотлар меросини тасаввур қилиб бўлмайди.

Биз уларнинг илмий меросини ўрганиш, китоблар нашр этиш, таълим дастурларини ривожлантириш ва бу билимларни Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳамда халқаро академик ва маданий жамоатчилиikka етказиш устида ишламоқдамиз.



Аҳмад Абдулх ТАРАБЕК,
Ўзбекистон маданияти ва тарихи бўйича
олим, ёзувчи (“Мисрдаги ўзбеклар тарихи”, “Шавкат Мирзиёев —
Янги Ўзбекистон бунёдкори”) китоблари
муаллифи):

— “Шавкат Мирзиёев — Янги Ўзбекистон бунёдкори” китобида Ўзбекистондаги цивилизациянинг тарихий босқичлари



Дамир МУХЕТДИНОВ,
Россия Федерацияси муслмонлари
Диний бошқармаси раисининг
биринчи ўринбосари:

— Ўзбекистонда ўтказилаётган ушбу халқаро форум менда жуда катта таассурот қолдирди. Бу ерда исломнинг ҳақиқий моҳияти — тинчлик, бағрикенглик, илм-фан ва маърифат ғоялари нафақат муҳокама қилинмоқда, балки амалий ташаббуслар билан бойитилмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон раҳбариятининг буюк алломалар меросини тиклаш, асраб-авайлаш ва уларни жаҳон илмий жамоатчилигига етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлари юқсак эътирофга лойиқ. Мазкур форум турли мамлакатлар олимлари ва дин арбобларини бирлаштириб, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлайдиган муҳим мулоқот майдонига айлангани қувонарли.



Муҳаммад Саид Амур ал-ҲАЖАРИЙ,
Ўмон Давлат Кенгаши аъзоси, сенатор:

— Юртингиздан етишиб чиққан буюк алломалар — Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуриддин, Маҳмуд Замашшарий, Бурхониддин Марғиноний ва бошқа улугъ олимларнинг бой илмий мероси бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Уларнинг илм-фан, маърифат ва бағрикенгликка асосланган

нафақат дин ва ислом маданияти, балки аниқ фанлар ҳамда исломгача бўлган даврлар мисолида ҳам кенг ёритилган. Бугунги кунда мазкур йирик нуфузли форумда ушбу масалаларнинг илмий жиҳатлари очиб берилиши билан бир қаторда, уларнинг амалий ифодасини марказ таркибидagi музейда ҳам кўришимиз мумкин.

Бу ерда нафақат Имом Бухорий ва Имом Термизий каби буюк зотларнинг ислом меросига қўшган ҳиссалари, балки Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ҳамда Ибн Сино каби мутафаккирларнинг тиббиёт ва геодезия соҳаларидаги улкан ютуқлари ҳам алоҳида намоён этилган.

Ўзбекистоннинг ислом маданиятига қўшаётган бу каби улкан ҳиссаси барчамизга чексиз мамнуният бағишлайди. Бу эса нафақат араб ва муслмон мамлакатларида, балки бошқа муслмон бўлмаган юртларда ҳам бугунги Ўзбекистонга бўлган қизиқишни янада орттирмоқда.



Мен ишонаманки, ушбу форумдан туғил-диган илмий ва маърифий ташаббуслар нафақат минтақа, шу билан бирга, бутун муслмон олами учун катта аҳамиятга эга бўлади. Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси меросини халқаро миқёсда тарғиб этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари барчага иборат бўлади.

қарашлари ислом цивилизациясининг мустаҳкам пойдеворларидан бири бўлиб, бутун инсоният учун муҳим дастуруламал ҳисобланади.

Бундай халқаро конференциялар мазкур бой меросни чуқур ўрганиш, илмий мулоқотни ривожлантириш, халқлар ўртасидаги ўзаро англашув ва маданий ҳамкорликни мустаҳкамлашда беқиёс аҳамиятга эга. Бу мамлакатда илм-фан, маданият ва тарихий меросга берилаётган юқсак эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Бугун Ислом цивилизацияси марказига ташриф буюриб, жуда катта таассурот олдим. Бу ердаги ноёб қўлёзмалар ва экспонатлар нафақат ислом, балки бутун инсоният цивилизацияси тарихининг бебаҳо бойлигидир. Марказда амалга оширилаётган ишлар юқсак таъсирга эга.

Ишонаманки, Ўмон Султонлиги ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги илмий, маданий ва маърифий ҳамкорлик келгусида ҳам изчил ривожланиб, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишонч янада мустаҳкамлайди.

Салим бин Муҳаммад ал-МАЛИК,
Ислом дунёси таълим, фан ва маданият
ташкilotи — ICESCO Бош директори:

— Цивилизация тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган ушбу муборак юртга яна бир бор самимий миннатдорлик изҳор этаман. Бугун Ўзбекистоннинг фуқаролик жамияти, ижтимоий адолат, иқтисодий тараққиёт ва ташки сийosat соҳаларида эришяётган ютуқлари халқаро ташкилотлар томонидан юқсак эътироф этилмоқда. Бу, аввало, цивилизациянинг ўзи учун қувончли воқелик. Шунингдек, бутун ислом олами учун ҳам катта ифтихор манбандир.



Шайх Салоҳ АБУЛҲОЖ,
Иордания халқаро ислом фанлари
университети декани:

Доктор Сали ШАҲСИВАРИЙ,
“Ал-Фурқон” Ислом мероси
жамғармаси ижрочи директори:

— Президентингиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси минбаридан туриб ислом цивилизациясининг буюк алломалари ва уларнинг инсоният тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси ҳақида билдирган фикрлари бу йўналишдаги муҳим ташаббуслардан бири бўлди. Ушбу закирлик нафақат исломнинг ҳақиқий инсонпарварлик моҳиятини англаш, балки буюк олимлар меросини ўрганиш ва уни келажак авлодларга етказиш зарурлигини ҳам бутун дунё ҳамжамияти эътиборига ҳавола қилди.

Бугунги кунда инсоният ўзаро мулоқот, бағрикенглик ва маърифатга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътиёж сезаётган бир пайтда, ушбу форум турли мамлакатлар олимлари, улаомлари ва мутахассислари учун муҳим илмий мулоқот майдонига айланишига ишонаман.

“Ал-Фурқон” Ислом мероси жамғармаси ҳам Ўзбекистонда ислом цивилизациясининг



Меҳмет Эмин ЎЗАФШАР,
Анқара университети илоҳиёт
факультети ҳадис кафедраси mudiri:

— Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон тарихида Учинчи Ренессансини бошлаб берди деб ўйлайман. Ҳозир биз турган Ислом цивилизацияси маркази Ўзбекистон ва бутун туркий дунё тарихини ўзида намоён этади.

Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари Ўзбекистонини замонавий дунёда барча ҳавас қиладиган етакчи марказлардан бирига айлантириш учун кўп қиррالي ислохотларни амалга



Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига ва мамлакат раҳбариятига оқилона сийosatи ҳамда эзгу саъй-ҳаракатлари учун самимий ташаккур билдираман.

— Ушбу анжуман биз учун жуда катта эъти-ром бўлиб, дунё миқёсидаги ислом улаомларининг йирик йиғилишидир. Мазкур тадбир нафақат дин доирасида, балки маданиятлараро ўзаро туташувда ҳам ўзига хос марказга айланди.

Бу ердаги улаомларнинг ҳамда дунёдаги барча муслмон мамлакатлари вакилларининг йиғилиши айнан Ўзбекистон раҳбарияти, муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг ташаббуслари самарасидир. Зеро, мазкур ташаббус замирида Ўзбекистондаги яна бир бор уйғониш, яъни Учинчи Ренессанс ғояси ётгани барчамизни жуда қувонтирди.

Албатта, форумда улаомларнинг жам бўли-ши ислом маданиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бутун дунёга Марказий Осиё улаомларининг бу ерда шаклланган цивилизациясини яна бир бор таранум этади.



бой меросини асраб-авайлаш, уни чуқур ил-мий тадқиқ этиш ва келажак авлодларга ет-казиш йўлида амалга оширилаётган кенг қў-ламли ишларни юқсак қадрлайди.

Ишонаманки, ушбу форум нафақат янги илмий ғоялар ва самарали ҳамкорликларга йўл очди, балки Ўзбекистон билан халқаро илмий ва тадқиқот муассасалари ўртасидаги шериклик муносабатларини янада мустаҳ-камлаб, уларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

оширмоқда. Бир томондан таълим соҳасида кенг қўламли сафарбарлик олиб борилмоқда, иккинчи томондан инфратузилма лойиҳалари давом этаётган, яна бир жиҳати эса халқаро алоқаларга катта аҳамият берилмоқда. Айниқ-са, Ўзбекистондаги илмий-тадқиқот марказла-ри Ўзбек маданияти, Ўзбек тарихи ҳамда ушбу заминнинг тарихий аҳамияти нақадар улугъ эканини яққол кўрсатиб бермоқда.

Ислом цивилизацияси I Халқаро форуми нафақат илмий анжуман, балки замонавий халқаро муносабатларда маданий дипло-матия, илм-фан ва маърифат орқали ўзаро ишончи мустаҳкамлашга қаратилган стра-тегик платформа сифатида шаклланмоқда.

Мазкур анжуман Ўзбекистоннинг бой ил-мий ва маънавий меросини халқаро академик майдон билан боғлаш, цивилизациялар ўрта-сидаги конструктив мулоқотни кенгайтириш ҳамда ислом цивилизациясининг инсонпар-варлик, илм ва бағрикенгликка асосланган қадриятларини глобал даражада илгари су-ришга хизмат қилади.

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА УҚИШ
УЧУН MAЗКУР QR-KODNI SKANEP ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълолар бўлими: (71) 233-70-98

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746.
29609 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида басилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов
Мусахҳас: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 00:35 Тошпирилди — 00:35